# Эътиборсиз бўлмайлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари комиссиялар томонидан ўқув муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишлар устидан назоратнинг талаб даражасида ўрнатилмаганлиги, уларнинг мазкур масаладаги фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли Тошкент вилоятининг айрим туманларидаги ўрта мактаб ўқувчилари темир йўл транспорти билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун ушланганлар. Жумладан, Чиноз туманидаги 27-сонли ўрта мактабдан 4 нафар, 18-сонли мактабдан 6 нафар, Янгийўл тумани 10-сонли ўрта мактабдан 6 нафар ва яна бир нечта ўсмирлар «темир йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш» ҳуқуқбузарлигини содир этганлиги учун, Янгийўл туманидаги 17-сонли ўрта мактабдан эса 7 нафар вояга етмаганлар темир йўл яқинида мол боққанликлари учун, 2 нафари эса поезд ва электропоездларга тош отганликлари учун олиб келинган.

Шундай ҳуқуқбузарликлар Тошкент шаҳрининг Сергели, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов туманларида жойлашган ўрта мактаб ўқувчилари томонидан ҳам содир этилганлиги кузатилган.

Тошкент транспорт ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими томонидан ҳар бир келтирилган ўсмир бўйича юқоридаги мактаблар ва туманлар ички ишлар бўлимларига маълумотлар бериб борилса-да, вояга етмаганлар билан тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги сабабли ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисалар кўпаймоқда. Яъни, Тошкент транспорт прокуратураси назорат ҳудудида 2007 йилда вояга етмаганлар ўртасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодисалар сони ўтган йилга нисбатан 13 тадан 11 тага камайган, лекин ўлим билан тугаганлари 4 тадан 5 тага кўпайган. Бундай ҳодисалар асосан вояга етмаганларнинг ёки уларнинг ота-оналари эҳтиётсизлиги натижасида юз берган. Жумладан, Сергели туманидаги 47-сонли ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси А.Қаюмов 2007 йил 9 март куни соат 16 ларда дарсдан чиқиб, Ҳамза темир йўл бекатига келган. У ерда турган юк вагони устига чиқиб ўйнаган. Бироқ, ўйинга қизиқиб кетган болакай юқори вольт симига урилиб кетиб, 75 фоиз танаси куйган. Олган тан жароҳати оқибатида А.Қаюмов касалхонада вафот этган.

Қайд этиш жоизки, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини бериб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 тадан 8 тага, жиноятда иштирок этганлар 14 нафардан 12 нафарга камайган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 2 таси ҳужжатларни қалбакилаштириш, 1 таси талончилик, 1 таси безорилик ва қолганлари ўзгалар мулкини ўғирлаш билан боғлиқдир. Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 8 нафари Тошкент шаҳрида, 2 нафари Тошкент вилоятида, 1 таси Наманган вилоятида истиқомат қилади. Яна бири Қирғизистон фуқаросидир.

Жиноят содир этган 12 нафар шахснинг 4 таси муқаддам судланган бўлиб, уларнинг яшаш жойларидаги ИИБлари томонидан маъмурий назоратнинг талаб даражасида ташкил этилмаганлиги, улар билан профилактик ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида яна жиноят содир этишларига йўл қўйилган.

Жумладан, 1989 йилда Тошкент вилоятида туғилган Б.Худайберганов 2006 йилда ўғирлик жинояти учун судланган ва амнистия акти асосида жазодан озод этилган. Бироқ, у 2007 йил 22 апрель куни темир йўл ёқасида кетаётган фуқаро Р.Иминованинг нархи 75 минг сўмлик қўл телефонини тортиб олиб, яширинган. Қайд этиш жоизки, бундай ҳолатлар кам эмас.

Ҳукуматимиз томонидан ёшларга, айниқса вояга етмаганларга кўрсатилаётган эътибор таҳсинга сазовордир. Бироқ, бу иш билан боғлиқ бўлганлар — аввало ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла, ўқитувчиларнинг иштироки фаоллашса келажакда янада яхши самара беради. Шундай экан, яқинларимизга, фарзандларимизга бефарқ бўлмайлик, келажак пойдеворини мустаҳкамроқ қилайлик.

**Холида САЙДАЗОВА,**
**Тошкент транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси**

# МЕЗОНИНИ ЙЎҚОТГАН «АЛ-БАРОКАТ»

**Ҳамма нарсанинг мезони, ўлчови бор. Мезонга, қонунларга амал қилган тадбиркорнинг ошиғи олчи. Шаҳрихон туманидаги хусусий корхона эгаси, қирқ олтига кирган Холмирза Солиев буни яхши билар, бир марта мезондан чиқиб кетиб, жиноий жавобгарликка тортилган ҳам эди. Амнистия фармонига кўра жазони ўташдан озод қилинган «тадбиркор» бу бағрикенгликдан тескари хулоса чиқарди. Яна «сердаромад», бу гал «силлиқ» кечадиган ишга қўл урди.**

Андижон локомотив депоси раҳбарларига ўзини хокисор, ҳалол кўрсатиб, шартнома тузишга эришди. Унга кўра корхонага тегишли «Аловуддин» болалар оромгоҳи саҳнига плита ётқиздиришни бошлади. 280 квадрат метр саҳнга ётқиздириб берган тош плиталар учун у тақдим этган далолатномалар бўйича локомотив депоси корхонанинг ҳисоб рақамига 4 млн. 439 минг сўм ўтказди. Бироқ, «Ал-барокат мезон» корхонасининг «Аловуддин» болалар оромгоҳида бажарган ишлари қайта элакдан ўтказилганда, 608 минг сўмликдан зиёд қурилиш материаллари, 87 минг сўмлик транспорт харажатлари қўшиб ёзилгани, 745 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловлар ошириб кўрсатилгани «мана мен» деб юзага чиқди. Холмирза Солиев ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, Андижон локомотив депосининг салкам бир ярим миллион сўмлик маблағини ўзлаштиришга эришганди.

«Ал-барокат мезон» корхонасининг «фаолияти» атрофлича ўрганилганида яна қуюшқонга сиғмайдиган ҳолатлар кўзга ташланди. Холмирза Солиев «Ўзкимёсаноат»га қарашли Андижон вилояти ҳудудий акциядорлик жамиятининг Ахтачидаги туманлараро бўлими мудири Собиржон Зияевга шахобчани таъмирлаб бериш таклифи билан чиқади. Мудир ҳали тендер ўтказилмаганини айтганда, «буёғини менга қўйиб бераверинг, сизни ҳам қуруқ қўймайман» деб уни ҳам ўз йўриғига солади.

«Фойда»ни кўз олдига келтирган мудирнинг кўнгли суст кетди. «Ал-барокат мезон» билан «Қишлоқхўжаликкимё» Ахтачи туманлараро бўлими ўртасида ўзаро «фойдали» 15 млн. сўмлик ва 43 млн. сўмлик иккита шартномалар имзоланди. Унга кўра «Ал-барокат мезон» корхонаси темир йўл изларини таъмирлаш, янгитдан шпаллар ётқизишни зиммасига олди. Иш ҳали ниҳоясига етмасдан туриб, Холмирза Солиев далолатномани тақдим этди. Унга кўра салкам 5 млн. сўмлик 183 та шпаллар ўрнатилган эди. Аслида эса «Ал-барокат мезон» корхонаси 153 та темир йўл шпалларини янгилаган эди. Холмирза Солиев тақдим этган шпаллар, уларни қотириш деталлари, даромад фоизи, иш ҳақи ошириб кўрсатилган далолатномаларни Собиржон Зияев кўзини чирт юмиб тасдиқлаб берди. Шу тариқа ҳамтовоқлар «Қишлоқхўжаликкимё» Ахтачи туманлараро бўлимининг салкам 2 млн. 900 минг сўм маблағини ўзлаштириб, талон-тарож қилишди. Тили қисиқ мудир қолган маблағни қайтариб беришни пайсалга солган ҳамтовоғига ғиринг дея олмади. «Ал-барокат мезон» корхонаси «Қишлоқхўжаликкимё» туманлараро бўлимига тегишли 16 млн. сўмдан зиёд маблағни ҳисоб рақамига ўтказиб беришни ортга суриб, жамоа манфаатларига жиддий зиён етказди.

Дастлабки тергов ва суд жараёнида Х.Солиев ва С.Зияев айбларига тўлиқ иқрор бўлишди. Етказилган зарарларнинг ўрни қопланганини эътиборга олиб, суд уларга энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдорида жарима ундириш ва бир йил мобайнида моддий жавобгарлиги бор мансабларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

**Мирсобит МУЗАФФАРОВ,**
**Фарғона транспорт прокурори**

# Умиди пучга чиққач...

Инсон болалигида тезроқ улғайишни, яхши касб-ҳунар эгаллаб, муносиб лавозимларда ишлашни, оиласи билан тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечиришни орзу қилади. Бироқ, ҳаёт мураккаб...

Шуҳрат Қодиров мактабни тугатгач, ёлланма ишчи, яъни мардикорчилик билан шуғуллана бошлади. 1994 йили Ойгул билан турмуш қурди. Йиллар ўтиб тўрт фарзандли бўлишди. «Рўзғор — ғор» деганларидек, оилада етишмовчиликлар бўлиб туради, майда-чуйда келишмовчиликлар чиқиши ҳам табиий ҳол. Бироқ, ҳаммаси Шуҳратнинг ичкиликка ружу қўйишидан, топган-тутганиниароққа сарфлаб қўяверишидан бошланди.

Уйига тез-тез ичиб келадиган одат чиқарган Шуҳрат кейинчалик, хотинини ҳақоратлайдиган, уриб-тепадиган бўлди. 2001 йилнинг августидан 2006 йилнинг ноябригача бу ҳол айниқса авжига чиқди. Бу давр мобайнида Ойгул болаларини олиб, бир неча бор ота уйига кетиб ҳам қолди. Бироқ, Шуҳрат ҳар гал ваъдалар бериб, ўртага одам қўйиб уни яна ўз уйига қайтаришнинг иложини топарди-да, кўп ўтмай яна эски ҳунарини бошларди. Қўни-қўшнилар, қавму қариндошларнинг ўгитлари-ю насиҳатлари ҳам унга таъсир қилмади. 2006 йилнинг 18 декабрида яна ичиб келган Шуҳрат хотинини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай кетди. Бунга қониқмади шекилли, Ойгулнинг юз-кўзи аралаш мушт туширди. Йиқилгач, аямай тепкилай бошлади.

Эртаси куни эрталаб моллардан хабар олгани борганда, хотинининг ўзини ёқаётганини кўриб, жойида қотиб қолди. Жонидан тўйган Ойгул ўз жонига қасд қилди. Оловни бир амаллаб ўчириб, уни шифохонага олиб келдилар. Бироқ, танасининг 80 фоизи куйгани боис, унга ёрдам бериб бўлмади. Умри қисқа экан, Ойгул шифохонада жон берди.

Турмуш ўртоғи Ойгул Қодиржоновага нисбатан қўпол муомалада бўлган, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситган, ўзини-ўзи ўлдириш даражасигача олиб келган номардга суд муросасиз бўлиб, ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

**Жасур БУРАНОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари**



# «Урганч шароб»даги қинғирликлар

**Хоразм вилоятида ўтган йилда солиқ ва валютага оид 354 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Ушбу ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 6 млрд. 275 млн. 182,8 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, бюджетга 2 млрд. 124 млн. 279,5 минг сўм ундирилиши таъминланди.**

Урганч шаҳри бўйлаб ҳаракатланаётган «Форд» русумли енгил автомашина тўхтатилиб, юкхонаси кўздан кечирилганда, у ерда 4 блок, жами 72 шиша акциз маркасиз «Урганч ароғи» ёзувли ароқлар ва 2 баклашка вино борлиги аниқланди. «Форд» бошқарувчиси А.Ҳусаинбековдан ушбу маҳсулотларни қаердан ва кимдан олганлиги сўралганда, у ўзи «Урганч шароб» АЖда чилангар вазифасида ишлашини, ушбу маҳсулотларни корхона ичидаги ускуналарни таъмирлаганлиги эвазига олганлигини билдирди.

Хоразм вилоятида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган корхоналар талайгина. Мана шундай корхоналарни бошқаришда раҳбар ходимдан чуқур билим, малака ва тажриба, энг асосийси, ташкилотчилик қобилияти талаб қилинади. Агар раҳбар билимли ва қобилиятли бўлса-ю, ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, масъулиятини унутса, корхона фаолияти издан чиқиб, таназзулга юз тутиши шубҳасиз.

«Урганч шароб» очиқ акциядорлик жамияти раҳбари С.Муротовнинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги туфайли корхонада худди ана шундай ҳол юз берди.

С.Муротов 2006 йил апрель ойидан бошлаб «Урганч шароб» очиқ акциядорлик жамиятида раис лавозимида ишлаб келиб, Республика Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши юзасидан корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларига кўра жамиятнинг бошқа корхона ва ташкилотлардан бўлган қарзларини муддатида ундиришга масъул бўлса-да, бу вазифага лоқайдлик билан қарайди. Жамиятнинг 2007 йил 1 январь ҳолатига солиқ ва бошқа тўловлардан бўлган 151 млн. 707 минг сўм боқиманда қарзини ўз муддатида тўлаш чораларини кўрмаганлиги оқибатида 112 млн. 62 минг сўм пеня ҳисобланишига сабабчи бўлади. Бу ҳолат яна бир неча марта давом этади.

Бундан ташқари, «Урганч шароб» ОАЖ раиси жамиятнинг қуйиш цехи бошлиғининг кундалик иш фаолияти устидан назорат ўрнатмаганлиги оқибатида, қуйиш цехида 2007 йил июль ойида 12 млн. 488 минг 400 сўмлик «Урганч ароғи» ва 972 минг 36 сўмлик «Портвейн-53» номли вино «уриб қолиниб», жами 13 млн. 460 минг 535 сўмлик маҳсулот талон-тарож қилинади.

Хўш, корхона мулкининг талон-тарож қилинишига қандай йўл қўйилди? Ахир лаборатория мудири томонидан спиртли ичимликлар белгиланган стандарт талабларига жавоб бериши ва шиша идишларга қадоқлашда белгиланган меъёрда қадоқланиши назорат қилинаётган, Урганч шаҳар ички ишлар бўлимининг иккита милиционер ходими ҳар куни корхонани кўз қорачиғидек қўриқлашаётган эди-ку?!

Гап шундаки, «Урганч шароб» ОАЖда лаборатория мудираси бўлиб ишлаб келаётган Р.Шахобутдинова қуйиш цехида спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва қадоқлашда стандарт талабларига риоя қилинишини назорат қилишга масъул бўлса-да, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган ва 2007 йил 8-13 июль кунлари қуйиш цехи бошлиғи томонидан спиртли ичимликлар ўз фойдасига «тежаб»қолинишига сабабчи бўлган.

Ушбу «тежалган» спиртли ичимликларни мазкур жамиятда техник чилангар вазифасида ишловчи А.Ҳусаинбеков бўш идишлар цехи ишчиси Т.Ишниёзов билан биргаликда «қуйиш цехидаги бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ аппаратларни тузатишда ишлатилган эҳтиёт қисмлар эвазига» баҳонаси билан қоровулликда турган милиционер М.Сапаевдан рухсат олиб чиқиб кетишади. Аммо улар кўзлаган манзилига етиб бора олмадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Урганч шаҳар бўлими, МХХ вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда корхонадан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган спиртли ичимликлар тўхтатиб қолинди.

Корхонада ўтказилган текшириш натижаларига кўра, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан «Урганч шароб» ОАЖ раҳбари-ю, ходимларига нисбатан қилмишларига яраша жазо тайинланди.

**Хайрулло АСЛАНОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

# АДОЛАТ ҚОНУНИЙЛИК ДЕМАКДИР

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ўтган йилларда ёшлар ўртасида спорт ва соғломлаштириш ишларини жонлантириш, спорт майдонлари қуриш, секциялар ташкил этиш ишларида бош-қош бўлиб, жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштирдик. Бундай эзгу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади. Ёшлар тафаккурини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида кўплаб мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ўтказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

**— Прокуратура органлари «Ижтимоий ҳимоя йили»да жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кенг кўламдаги ишларни амалга оширдилар. Суҳбатимизни шу ҳақдаги фикрлар билан давом эттирсак.**

— Мамлакатимизда бунёд этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари устувор бўлиб, уларни рўёбга чиқариш, қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борадаги қонунлар, уларнинг ижроси доимо диққат марказимизда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўтган йилда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича текширишлар сони 2006 йилга нисбатан 10 тага камайди. Етказилган моддий зарарларнинг ихтиёрий ундирув суммаси 57 млн. сўмга ошди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 174 та жиноят иши қўзғатилди.

Айрим мутасадди идораларда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижросида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги жуда ачинарли ҳолдир. Жумладан, Бахмал туман «Сангзор» ҚФЙ раиси А.Чутбоев 15 нафар фуқарога 643,2 минг сўм нафақа ва моддий ёрдам пулини ноқонуний тайинлаб, тўлаб юборгани, Зафаробод туман С.Сайфулин номидаги 6-мактаб директори У.Темиртоева Г.Исмоилованинг 185 минг 760 сўм миқдордаги нафақа пулларини ўзлаштиргани мансаб ваколатини суиистеъмол қилишдан бошқа нарса эмас.

Ўтган йил давомида жами 28 минг 556 та янги иш ўринлари яратилди. 1014 та корхона ва ташкилотларда 3816 та махсус (КВОТА) иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилиб, 2448 нафар шахс ишга жойлаштирилди. Умуман олганда, турмушимизнинг барча соҳаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига оид қонунчилик аҳволи мунтазам равишда ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир қарор ва фармонлари кичик бизнес тараққий этиши учун қулай имконият яратди. Аммо кичик бизнес субъектларининг роли тобора ошиб бориши билан бир қаторда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳоллари ҳам аниқланди. Ушбу йўналишда ўтказилган 11 та текшириш натижасига кўра қонунийликни таъминлаш юзасидан 132 та прокурор таъсир чоралари қўлланилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Жиззах шаҳар ва Жиззах туман электр тармоқлари корхоналари мониторинг ўтказиб, хусусий тадбиркор Ғ.Зуҳуровни электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган деб топганлар. Оқибатда, тадбиркорга нисбатан шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан 6,6 млн. сўм, туман электр тармоқлари корхонаси томонидан эса 5,5 млн. сўм жарима қўлланилган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган қайта текширишда тадбиркорга нисбатан ноҳақликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Бошқача қилиб айтганда, шаҳар ва туман электр тармоқлари корхоналари томонидан тузилган далолатномадаги ҳолатлар ўз тасдиғини топмади. Ўтказилган текширишда масъулиятсизликка йўл қўйган 4 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари эса тикланди.

**— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг боришини таъминлаш, шу йўналишда қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилишда прокуратура органларига катта масъулият юклатилган. Шундай эмасми?**

— Тўғри айтасиз. 2007 йилда бу соҳада ўтказилган текширишлар сони 281 тани ташкил этди. Самарадорлик эса 32,8 тага ошди. Етказилган 97,8 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Қарздорликни ундириш бўйича фуқаролик ва хўжалик судларига 4 млрд. 102 млн. сўмга яқин 2257 та даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, ер майдонларидан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш, ноқонуний эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш каби ҳолатлар ҳам доимий назоратимизда бўлди. Бу борада жойларда 64 та текшириш ўтказдик. Мониторинг якунига кўра 2738 та прокурор таъсир чоралари қўлланилди. Давлатга етказилган 7 млн. 579,5 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 14 та жиноят иши қўзғатилди.

Умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасини минерал ўғитлар, ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш ва сақлаш, техникалардан унумли фойдаланиш каби масалаларда ҳам қонун барқарорлигига эришилди. Ёнилғи мойлаш материалларининг сақланиши ва тарқатилишининг қонунийлиги юзасидан 10 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлар бўйича 15 та жиноят иши қўзғатилди. 3 млн. 881,6 минг сўмлик келтирилган зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди.

Жумладан, «Қишлоқхўжаликкимё»нинг Арнасой туманида ўтказилган мониторингда 2-сонли шахобча мудири А.Суюнов ўз жавобгарлигидаги жами 10 млн. 112 минг сўмлик минерал ўғитни талон-тарож қилганлиги ошкор бўлди.

Бундан ташқари чорва моллларининг сақланиши юзасидан ҳам текширишлар ўтказилиб, таҳлиллар олиб борилди. Текшириш давомида баъзи жойларда талон-тарожликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Хусусан, Фориш туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалиги 1-ширкат бош чўпони К.Айдарқулов 5 млн. 942 минг сўмлик, жами 325 бош майда шохли чорва моллари камомадига йўл қўйган. К.Айдарқуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу ўринда СВОЖЖДЛҚК департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси фаолиятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталмоқ жоиздир. Бошқарма томонидан қонунлар ижроси юзасидан 491 та текшириш ўтказилган. Таҳлил натижаларига кўра 228 та жиноят ва 227 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Алкоголли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ қонунбузарликларни аниқлаш бўйича 88 та текшириш ишлари амалга оширилган.

«Ёшлар йили»да ҳам қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, адолат барқарорлигини мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади. Адолат қонунийликни таъминлар экан, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо диққат марказимизда туради.

**Суҳбатдош: Раззоқ МЕЛИБОЕВ**

# НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

2007 йилнинг тарихга айланганига салкам икки ой бўлди. Шу давр ичида ўтган йилги ишлар таҳлили ниҳоясига етди. Ютуқлар ва камчиликлар ўрганиб чиқилди. 2008 йилда қилиниши керак бўлган ишлар режалаштириб олинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилда ўз олдимизга қўйган вазифаларни имкон даражасида уддаладик.

Жумладан, 2007 йилда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жами 860 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди, 532 та ҳолатда жиноят иши, 328 та ҳолатда эса маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 1.450,7 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Йил давомида жами 3,7 млрд. сўм миқдорида етказилган моддий зарар ходимларимиз томонидан аниқланиб, шундан 508,1 млн. сўми ундирилди. Шунингдек, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган 11 нафар банк, 1 нафар маҳаллий ҳокимият, 1 нафар солиқ ва 1 нафар ички ишлар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди, 4 нафар мансабдор шахс томонидан содир этилган пора олиш жиноятлари фош этилди.

Валюта операциялари бўйича ҳисоботларнинг тўлиқлигини таъминлаш, хорижий валютанинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга қаратилган тадбирлар натижасида жами 44 та ҳуқуқбузарликлар фош этилди. Уларнинг 27 таси бўйича жиноят, 17 таси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Кўрилган чоралар натижасида ноқонуний муомалада бўлган 45,2 минг АҚШ доллари, 324,5 минг Қозоғистон тенгеси, 15,8 млн. Ўзбекистон сўми, 6,8 минг Россия рубли далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Бундай тадбирлар бир қанча ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг пайини қирқиш имконини берди. Республикамиз ташқарисидан Тошкент, Қибрай туманлари орқали спиртли ичимликлар, тамаки, пиво, маиший техника, дори-дармон воситалари ва кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, Оҳангарон туман, Оҳангарон шаҳарлари орқали материаллар, кийим-кечаклар, тамаки маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб келинаётганда аниқланган ноқонуний ҳаракатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, Тошкент вилояти Зангиота тумани бўлими ходимлари томонидан 2007 йил 11 июль куни туман ҳудудида ўтказилган тадбирда фуқаро Р.Салимов Қозоғистон Республикасидан айланма йўллар орқали жами 71 турдаги 284.046.880. сўмлик товар-моддий бойликларни олиб келаётганида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Зангиота туман бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда ушбу йўналишда жами 2605 та профилактик тадбирлар ўтказилди.

**Мақсуд МУСТАФОЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи**

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, янги аср бошида инсоният табиий мувозанатни сақлаб қолишдай ўткир муаммо билан юзма-юз келди. Ишлаб чиқаришнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши, кимё саноати, транспорт, айниқса автомобил транспорти воситалари атмосферага чиқараётган зарарли моддалар миқдорининг кўпайиши, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, асрлар мобайнида вужудга келган ўрмонлардаги дарахтларнинг ёппасига кесиб ташланиши, ҳавони табиий равишда фильтрлаб тозалаб турувчи ўсимлик дунёсининг сезиларли қисқариши сайёрамиздаги ҳаёт учун хавф туғдира бошлади. Экологик мувозанатни сақлаб қолиш учун табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, саноат корхоналари, транспорт воситаларининг экологик тозалигига эришиш қонуний чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этди.



# Дарахт кесаётган фермерлар

Мамлакатимизда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар ижроси диққат марказимизда бўлиб келяпти. Туманимизда ушбу қонунлар талабига риоя этилишини ўрганиш жараёнида айрим ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар атроф-муҳитни асрашдан иборат бурчларига эътиборсиз бўлаётганлари кўзга ташланмоқда. Экинзорлар теварагига экилган дарахтлар ер эррозиясининг олдини олишга, унумдор қатламни сақлаб туришга хизмат қилади. Айрим деҳқонлар фермер хўжаликлари ташкил этаётганларида зиммаларига олган мажбуриятларига зид равишда далалар атрофидаги дарахтларни кесиб ташлашяпти, турли «ишбилармон»ларга пуллаб юборишяпти. Ер эррозияси натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб, экинлар ҳосилдорлиги камайиб, бундан аввало ўзлари зарар кўришларини ўйлаб кўришмаяпти. Чунончи, «Замини бол боғи Эрам» фермер хўжалиги раҳбари Х.Умматов 2 туп тол, 2 туп бақатеракни кестириб, 830 минг сўм миқдорида зарар етказган. «Омад Муҳаммадёр» фермер хўжалиги раҳбари А.Ҳошимов эса 10 туп тол дарахтини кестириб, жамият салкам бир миллион сўм миқдорида зарар кўришига сабабчи бўлган.

Туманимиздаги 4 та корхона ерости бойликларидан фойдаланишади. Уларнинг иккитаси ўз конларига эга. Ўтказилган тадбирда «Азия Паинтс Керамик» қўшма корхонаси ер ости бойликларидан ноқонуний фойдалангани юзага қалқиб чиқди. Корхона муҳандиси С.Махсумов маъмурий жавобгарликка тортилди. Бошқа корхоналарнинг раҳбарлари огоҳлантирилди.

Автотранспорт воситаларининг экологик талабларга жавоб бериши атроф-муҳитни мусаффо сақлашнинг шартларидан биридир. Туман ИИБ ЙҲХХ билан ҳамкорликда ўтган йили икки маротаба «Тоза ҳаво» ойлиги ўтказилди. 66 та ҳолатда енгил автомобиллар ҳавога чиқараётган ис гази миқдори меъёрий талаблардан юқорилиги аниқланиб, эгаларига жарималар қўлланилди.

Ўтган йил мобайнида 13 та корхоналарда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига қандай риоя қилинаётгани мониторинг тарзида ўрганилиб, 11 нафар мансабдор шахслар жарима жазосига тортилди.

Атроф-муҳитни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда бундан фақат ўзимиз озор чекамиз.

**Қобилжон МУСАЕВ,**
**Риштон туман прокурорининг катта ёрдамчиси**

# МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ШАЪНИ ЁТАДИ

Фуқаролар хат орқали турли корхона, муассаса ва ташкилотларга поймол этилган ҳуқуқини тиклаб беришда ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида эса ҳар бир шахснинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини акс эттирувчи асосий тартиб-қоидалар белгилаб берилган.

Мазкур Қонун талабларининг қатъий бажарилиши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш, прокуратура органларида фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифлари кўриб чиқилишида қонунларга тўла риоя қилиниши ўта муҳим аҳамият касб этади. Қонуннинг 24-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ўта муҳим масала сифатида Республика прокуратура органларининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Прокурорларнинг фуқаролар мурожаатларига муносабати, масъулияти янада оширилиб, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бирига айланди. Таҳлилларга кўра, ўтган йилнинг ўзида Республика бўйича прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар сони 80 мингдан зиёдни ташкил этиб, улардан 36 мингдан зиёди бевосита прокуратура органларида ҳал этилди. Мурожаатларнинг 42 мингдан ортиқроғи ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юборилди. Юқорида тилга олинган қонун талабларини бузган, мурожаатларни вақтида ёки умуман кўриб чиқмасдан сансалорликка йўл қўйган 300 нафардан ортиқ мансабдор шахс расман огоҳлантирилиб, 2 минг нафарга яқин мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Мурожаатларни ҳал этишда йўл қўйилган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 20 тадан зиёд жиноят иши қўзғатилди.

Наманган вилояти Мингбулоқ туманида яшовчи 169 нафар фуқаронинг тумандаги «Довдук» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Йўлдошевга уй-жой ажратиш ва бошқа масалалар юзасидан йўллаган аризалари деярли 2 йил давомида қонунда белгиланган муддатларда ҳал этилмаганлиги оқибатида уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан А.Йўлдошевга нисбатан туман прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг 144-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазога тортилган.

Андижон вилояти Асака туманидаги тадбиркор И.Саидовнинг «Асакадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти мансабдорлари устидан ёзган шикояти ҳам атрофлича ўрганилди. Унда ёзилишича, тадбиркор 20 тонна омухта ем маҳсулотини олиш учун 1 млн. 113 минг сўм ўтказганига қарамасдан тузилган олди-сотди шартномаси жамият томонидан бажарилмаган. Мурожаат текширилганда муаллифнинг важлари асосли деб топилди ва ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, ўтган даврда прокуратура органлари томонидан деҳқон ва фермерларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Нурбек» фермер хўжалиги раиси Х.Пардаевнинг фуқаро К.Ражабов томонидан фермер хўжалигига тегишли бўлган 0,16 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилган. Текшириш натижаси бўйича туман прокуратураси томонидан ер майдонини қайтариб бериш хусусида судга даъво ариза киритилган ҳамда К.Ражабовга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, суднинг қарорига асосан у тегишли жазога тортилган.

Бундан ташқари, ўтган йилда прокуратура органлари томонидан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш ҳоллари ошганлиги бу йўлда ижобий ишлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Масалан, Яккасарой туман фуқаролик ишлари бўйича судининг қарорига асосан фуқаро Ш.Оқбўтаеванинг ишга тиклаш ҳамда мажбурий прогул учун иш ҳақи, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси рад этилган.

Шундан кейин Ш.Оқбўтаева прокуратурага мурожаат қилган. Мазкур мурожаат атрофлича ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам судда иш бир томонлама кўриб чиқилганлиги аниқланди. Бош прокуратуранинг Олий судга киритган протести асосида суд қарорлари бекор қилиниб, Ш.Оқбўтаеванинг поймол этилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бундай мисолларни прокуратура органлари фаолиятида кўплаб кузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, қуйи прокуратураларда фуқароларнинг мурожаатлари билан

**«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ариза, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».**

**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси).**

ишлаш Бош прокуратура томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Текширишларда аниқланган камчиликлар ҳайъат ва тезкор мажлисларда муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўриб келинмоқда. Прокуратура органларида фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари белгиланган соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда қабул қилиниши таъминланмоқда.

Айниқса фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш борасида уларни меҳнат жамоаларида, иш жойларида қабул қилишга жиддий эътибор қаратилиб, барча қонун талабларини, ҳукумат қарорларини, мамлакатда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш ишлари олиб борилди. 2007 йилда прокуратура ходимлари томонидан фуқароларни меҳнат жамоаларида қабул қилиш кўрсаткичи 19 минг 755 тани ташкил қилиб, 2006 йилга нисбатан 7,3 фоизга ортганлиги ижобий ҳолдир. Бунинг натижасида Республика Бош прокуратурасининг қабулхонасига келган фуқаролар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1655 тага, яъни деярли 61,4 фоизга ошди. Қабулга келган фуқароларимиз асосан ижтимоий масалалар ва ер масалалари бўйича мурожаат қилишган.



Афсуски, айрим ҳолларда фуқароларимиз қонун талабларидан бехабарлиги туфайли қайси ташкилотга, қай тартибда мурожаат қилишни билмайди. Бу эса нафақат юқори турувчи органларда мурожаатлар сонининг сунъий ортишига, балки фуқароларимизнинг овора-ю сарсон бўлишларига олиб келмоқда.

Конституция талабларига асосан прокуратура органлари бўйсунув тартибида ишлайди. Фуқароларимиз поймол этилган ҳуқуқларини тиклаш борасида аввало туман, вилоят, ундан сўнггина Республика раҳбарларига мурожаат қилишлари лозим. Амалиётда эса айрим фуқароларимиз туман, вилоятни четлаб, тўғридан-тўғри Республика раҳбарларига мурожаат қилишади. Натижада уларнинг мурожаатлари ҳал этиш учун жойлардаги раҳбарлар эътиборига ҳавола этилади. Фақат ўтган йилнинг ўзида деярли 50 фоиз мурожаатлар жойларга ҳал қилиш учун юборилган. Ваҳоланки, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилиши кўрсатилган.

Аксарият ҳолларда фуқароларга мурожаатлари юзасидан якуний қарор қабул қилинганлиги, важлари тасдиқланмаганлиги маълум қилинган бўлсада, улар қайта-қайта нажот излаб юқори турувчи идораларга мурожаат этаверишади. Натижада давлатнинг қанча вақти, маблағи сарфланади. Мисол учун, ўтган йили Р.Акимбаева, Х.Есенкулов, А.Клименко, А.Шамов ва бошқаларнинг юзлаб асоссиз ва тасдиғини топмаган мурожаатлари юқори турувчи идоралардан келиб тушган.

Баъзан фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда воқеа тафсилотлари, ишни қайси тергов органи ёки суд кўриб чиқаётганлиги аниқ кўрсатилмайди. Айрим ҳолларда шикоятнинг ўқиб бўлмайдиган нусхалари юборилади. Ушбу мурожаатларнинг ксеронусхаларида битта ёки бир нечта фуқаронинг фамилияси қўйилган бўлса-да, конвертда умуман бошқа фуқаронинг фамилияси ёзиб қўйилади. Баъзиларида эса ариза муаллифларининг манзиллари умуман кўрсатилмайди. Охироқибатда бундай мурожаатлар «аноним» деб топилиб, кўрилмасдан қолдирилади.

Шуни хурсандчилик билан айтиш мумкинки, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис прокуратура органларига кўплаб миннатдорчилик хатлари келиб тушмоқда. Масалан, Қизилтепа тумани Файзулла Хўжаев номидаги маҳаллада яшовчи фуқаро Д.Нурматова чорвачиликни ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун кўп овора-ю сарсон бўлганлиги, фақат прокуратура ходимларининг амалий ёрдами туфайли Микрокредитбанкнинг туман филиалидан 540 минг сўм кредит олишга эришганлигидан миннатдор бўлиб хат йўллаган. Яна бир шу мазмундаги хатни «Навоийазот» акциядорлик жамияти ходимлари юборишган. Уларга пахта терими мавсумида ишлаб топган иш ҳақлари берилмасдан келинган. Навоий вилоят прокуратураси ходимларининг аралашуви билан уларнинг иш ҳақлари ундириб берилган.

Ўтган даврда прокуратура терговида бўлган жиноят иши ва материаллари бўйича, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунбузилишлар бўйича, хўжалик судларида ишлар кўрилиши, меҳнатга доир қонунларнинг бузилиши, суриштирув органларининг жиноят иши ва материаллари, ердан фойдаланиш масалалари, жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари борасида келиб тушган мурожаатлар сони бир мунча камайди.

Бирорта ҳам мурожаат прокуратура эътиборидан четда қолмайди. Шундай экан, прокуратура органларида фуқароларимиз учун доимо эшикларимиз очиқ. Уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш барчамизнинг вазифамиз ва инсоний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз даркор.

**Шерзод АМИРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар бўлими бошлиғи**

*Суратда: Бўлим нозирлари Э.Муҳаммадиев ва Ж.Раҳматовлар иш устида.*

**Юртимизда фаолият кўрсатаётган маҳаллий тадбиркорлик субъектлари қаторида хорижий ва қўшма корхоналар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ҳукуматимиз томонидан бундай корхоналарнинг ривожланиши учун кўплаб қулайликлар яратилиб, имтиёзлар берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад битта: мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кўплаб иш ўринлари яратишдир. Ўтган давр мобайнида бу каби корхоналарнинг аксарияти ўзини оқлади. Ҳозирги кунда мулкчиликнинг турли шаклидаги хорижий ва қўшма корхоналар юртимизнинг иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутмоқда. Лекин, афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам мана шундай ижобий фикр билдириб бўлмайди.**



# «DEMIR»ДАГИ ЎЙИНЛАР

## ёхуд муаммони ҳал қилишнинг антиқа усули

Бундан 16 йиллар олдин кўплаб хорижий корхоналар қаторида юртимизда ОАЖ шаклидаги «Demir» чет эл корхонаси ҳам ўз фаолиятини бошлаганди. Унинг таъсисчиси Туркиянинг «Demir Metal» корхонаси бўлиб, кўп тармоқли фаолият билан шуғулланарди. Йиллар ўтиши билан «Demir»нинг фаолияти кенгайиб, республика миқёсида ўз ўрнига эга бўла бошлади. 2003 йил 26 мартда 1 млрд. 350 млн. сўмлик, 2 йил муддатга мўлжалланган облигацияларни ҳам чиқарди. Бироз вақт ўтиб, бу облигацияларни бир нечта банк ва суғурта компанияларига сотишга ҳам муваффақ бўлди. Облигациялар сотувидан ҳисоб-рақамига оқиб келаётган маблағни «Demir» ЧЭК раҳбарлари нафақат оқилона ишлатиши, балки облигация эгаларига йиллик даромаднинг маълум миқдорида фоиз тўлаб бориши ҳам керак эди. Лекин бундай бўлмади. Корхона раҳбарлари тушган маблағни ўз билганларича сарфлаб, талон-тарож қилишди. Бир кун келиб бу пулларни сўрайдиганлар чиқишини бутунлай ёддан чиқаришди. Оқибатда эса...

2005 йил сентябрь ойида «Ўзагросуғурта» ДАСКдан «Demir» ЧЭКга махсус хат келди. Унда 2003 йил 15 июлда «Demir» ЧЭКдан сотиб олинган бир донаси 10 минг сўм бўлган, жами 300 млн. сўмлик облигацияларнинг муддати тугаганлиги боис, 322 млн. 500 минг сўм асосий ва 27 млн. 412 минг 500 сўм фоизлар бўйича қарзни қайтариш сўралганди.

Кўп вақт ўтмай 1 млрд. 350 млн. сўмлик облигацияларнинг қолган қисмини сотиб олган бир неча банк ва суғурта компанияларидан ҳам худди шу мазмундаги хатлар кела бошлагач, «Demir» ЧЭК бош директори Аҳмед Яшар Демирнинг боши қотади. Негаки облигациялар сотувидан тушган маблағ аллақачон талон-тарож қилинган, айни пайтда облигацияларни банк ва суғурта компанияларидан уларни қайтариб сотиб олиш учун «Demir» ЧЭКда маблағ йўқ эди. Ўз навбатида чорасиз қолган «Demir» ЧЭК вакиллари қарзни қайтаришни орқароққа суришни илтимос қилиб, «қоп-қоп» ваъдалар бера бошлашди.

Турган гапки, бу вазият «Demir» ЧЭК раҳбарларини иложсиз аҳволга солиб қўйди. Қандай бўлмасин, маблағ топиб, облигацияларни қайтариб сотиб олиш лозим эди.

Ўйлай-ўйлай «Demir» ЧЭК раҳбарлари, хусусан, корхона бош директори Аҳмед Яшар Демир, директор ўринбосари Режеп Ширин, корхонанинг мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Рустам Исломов ва бош ҳисобчи Турко Надеждалар муаммони ҳал қилишнинг антиқа йўлини топишди.

Уларнинг жиноий режаси «Demir» ЧЭК ва икки нафар Туркия фуқароси билан биргаликда таъсис этилган, ҳар бирларининг улушлари 50 фоизни ташкил қилгани ҳолда низом жамғармаси 8 млн. 500 минг АҚШ доллари бўлган «Demir Tekstil» корхонаси номидан облигациялар чиқариб, уларни сотишдан тушган маблағни қўлга киритиш ва шунинг ҳисобига «Demir» ЧЭКнинг облигацияларидан бўлган қарзини ёпиш, шу йўл билан жавобгарликдан қутулиб қолишдан иборат эди. Бу режа оқибатида кейинчалик «Demir Tekstil» корхонасининг танглик ҳолатга тушиб қолиши жиноий гуруҳни заррача ҳам қизиқтирмасди. Улар ўз найрангларини «Demir Tekstil» корхонасининг бошқа таъсисчилари розилигини олмасдан, бутунлай сир сақлаган ҳолда, ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан амалга оширишни режалаштирдилар. «Demir Tekstil» корхонасининг офиси «Demir» ЧЭКнинг офисида жойлашганлиги ҳамда «Demir Tekstil» корхонасининг бош ҳисобчиси Елена Эйдинада корхона муҳри сақлангани, жиноий гуруҳ у билан тил топишганлари уларга жуда қўл келди.

Шу тариқа 2005 йил 29-30 ноябрь кунлари «Demir» ЧЭК бошқа таъсисчилардан яширган ҳолда гўёки таъсисчиларнинг умумий йиғилишини ўтказади ва қарор қабул қилади. Унга кўра «Demir Tekstil» корхонаси номидан 1 млрд. 700 млн. сўмлик облигациялар чиқарилади. Кўп ўтмай бу облигациялар Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг қимматли қоғозлар бозорининг мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан рўйхатдан ўтказилади. Сўнгра «Demir Tekstil» қўшма корхонаси директори С.Қораҳўжаевнинг имзоларини қалбакилаштириб, турли банк ва суғурта ташкилотларига облигацияларни сотиб олиш тўғрисида хат билан чиқишади.

Шу тариқа 2005 йил 29 декабрда «Халқ банки»га 53 млн. сўмлик, «Халқ банки»нинг Тошкент шаҳар бўлимига 342 млн. сўмлик, «Ўзагросуғурта» ДАСКга 300 млн. сўмлик, 2005 йил 31 декабрда «Равнақ банк»ка 50 млн. сўмлик, 2006 йил 13 январда «Ўзагросуғурта» ДАСКга яна 50 млн. сўмлик, 2006 йил 31 январда «Равнақ банк»ка 100 млн. сўмлик, 2006 йил 3 февралда «Ипак йўли» АИТБга 320 млн. сўмлик облигацияларни сотишади.

Аслида облигациялар сотувидан келиб тушган маблағлар «Demir Tekstil» қўшма корхонасининг ривожи учун сарфланиши ва облигация эгаларига йиллик 23 фоиз даромад тўлаб борилиши лозим эди. Лекин «Demir» ЧЭКдаги жиноий гуруҳ «Demir Tekstil» қўшма корхонаси бош ҳисобчиси Е.Эйдина билан жиноий тил бириктириб, 2005 йил 29 декабрда «Demir» ЧЭК билан «Demir Tekstil» ўртасида тузилган қарз шартномасини сохталаштиришади. Натижада ушбу шартнома асосида «Demir Tekstil» қўшма корхонасининг 1 млрд. 205 млн. сўмлик маблағини «Demir» ЧЭК ҳисоб рақамига туширишга эришадилар. Кейинчалик бу маблағлар «Demir» ОАЖ чет эл корхонасининг облигациялардан бўлган қарзи учун сарфлаб юборилади. Бунинг оқибатида «Demir Tekstil» қўшма корхонаси манфаатларига 1.325.649.605 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Жиноий гуруҳнинг фаолияти бу билан тўхтаб қолмайди. Улар «Demir» ЧЭКнинг фаолияти юзасидан белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, 2005 йил учун 4 млн. 141 минг 500 сўм ялпи даромад солиғи, 2006 йил учун 15 млн. 640,2 минг сўм ялпи даромад солиғи ва 79 млн. 194,9 минг сўм мол-мулк солиғи, жами бўлиб 98 млн. 976 минг 600 сўмлик солиқларни қасддан тўлашмайди.

Дастлаб айбланувчилар ўз айбларига иқрор бўлмай, турли хил баҳоналарни рўкач қилишди. Лекин тергов давомида уларнинг жиноий қилмишлари тўлиқ фош этилди. Тергов давомида айбланувчилардан жами 1.424.626.205 сўмлик моддий зарар тўлиқ ундирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳукми билан айбланувчилар Аҳмед Яшар Демир, Режеп Ширин, Рустам Исломов ва Надежда Турколар қилмишларига яраша жазосини олдилар.

**Азиз МУСАШАЙХОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

# АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

2007 йил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан суд-ҳуқуқ тизимида ҳам катта ижобий ишлар амалга оширилиб, мустақиллик йилларида 500 га яқин қонун, 15 та кодекс қабул қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, қонунларда халқаро ҳуқуқий нормалар қатори миллий қадриятларимиз ҳам ўз аксини топмоқда. Буни дунёнинг етакчи ҳуқуқшунослари ва шу соҳанинг экспертлари ҳам эътироф этмоқда. Қонунларнинг халқ онгига етиб бориши ҳаётда муҳим аҳамият касб этади. Чунки қонунлар халқ хоҳиш-иродасини, ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, 2007 йилнинг 30 ноябрь-1 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларни ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тайёрланган Солиқ кодекси ҳам маъқулланди. Мазкур Қонун Президент томонидан 2007 йил 25 декабрда имзоланиб, 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсатини шакллантиришнинг амалиётда синовдан ўтган принципларига, яъни солиқ солишнинг мажбурийлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ҳамда солиқ қонунчилигидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинишини назарда тутувчи солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланган.

Солиқ кодекси солиқ бошқаруви нормаларини қамраб олади, айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш қоидалари ҳамда тўлаш тартибини имкон қадар соддалаштиришни назарда тутади, тадбиркорлар ўз бизнесини ўртача муддатда ривожлантиришни асосли тарзда прогноз қилишларига имкон беради. Агар рақамларга мурожаат қилсак, эски таҳрирдаги Солиқ кодекси ўз ичига 135 та моддани олган бўлса, янги таҳрирдаги кодекс 392 та моддадан иборат. Шунингдек, 2007 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ер кодексига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Нотариат тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Шу ўринда қонуннинг айрим нормаларига тўхталиб ўтсак. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида, Марказий Банк ва унинг муассасалари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлардан озод қилинади, деб кўрсатиб ўтилган эди. Ўзгартиш киритилган Қонуннинг 3-моддасига асосан эса «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида»ги Қонундан Марказий Банк ва унинг муассасалари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинишини белгиловчи 12-моддаси чиқариб ташланган.

Фуқаролик кодексига «молиявий ижара» ва «лизинг» тушунчаларини бир-биридан ажратадиган ўзгартишлар киритилган. Мазкур ўзгартишлар Солиқ кодексининг «Молиявий ижара» деб номланган 21-моддасидан келиб чиқади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг «Дивидендлар тўлаш тартиби» деб номланган 56-моддасига «дивидендлар» тушунчасидан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритилган. Бу тушунчанинг мазмуни Солиқ кодексининг 22-моддасида очиб берилган. Бунда дивидендлар жамият тасарруфида қолган соф фойдадангина эмас, балки ўтган йилларнинг тақсимланган фойдасидан ҳам тўланиши белгилаб қўйилмоқда.

Ер кодексининг 28-моддасига қуйидагича норма киритилган: «Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади. Ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижара ҳақини ер солиғи тўловчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайдилар».

«Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартишлар нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бюджетга ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари шартлигини белгилайди.

Солиқлар иқтисодиётимиз таянчи. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир. Ватан иқтисоди мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшишдек вазифа ҳар бир фуқарода бурч тушунчасидек шаклланиши зарур.

**Тоҳир АЗАМАТОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори**

# НИҚОБЛИ БАШАРАЛАР

Ярим кеча. Ҳамма ширин уйқуда. Башарасига ниқоб кийган қора кўланкалар ғира-ширада болалар хонасидан ичкарига кириб боришди. Караватда эр-хотин ухлашяпти. Бири аёлнинг, бири эркакнинг тепасида пичоқларини ўқталиб шай бўлиб туришди. Бошқа бири чироқни ёндириб ўчирди.

— Яна...

Иккинчи сафар Олимжон билан Нозимахон чўчиб уйғонишди. Пичоқнинг ялтираган тиғи аёлнинг ўтакасини ёриб чинқириб юборди. Ниқобли кимсалардан бири унинг бўйнига латта ип солди. Шериги Олимжонга пичоқ тиради.

— Кимсизлар, нима керак?

— Долларларни қаерга яширгансан?

Олимжон унинг тиғ тутган қўлини чангаллаб, афтига мушт солди. Сўнгра хотинини ерга йиқитган нусхага ташланди. Лекин курагига нимадир санчилиб, уҳ деганича йиқилди. Нозимахон бўғиб турган кимсанинг билагини тишлади. Қўйиб юборгач, чироқни ёқиб, унинг юзидаги ниқобни сидириб ташлади. Кўча-кўйда кўриб юрган бола. Исмини билмасди. Чироқни қайта ўчиришганида Олимжон «аянгни бўғишяпти», деб бақирди. Нариги болалар хонасидан ўғли кириб тағин чироқни ёқди. Уч-тўрт киши, юзларида ниқоб, биттаси дадасига пичоқ санчяпти, биттаси аясини бўғиб олган. «Болани ушла» деди қай бири. Нозимахон «ёрдам беринглар», дея додлади. Қўни-қўшнилар кириб қолишидан чўчиган ниқобли башаралар бирин-кетин ташқарига чиқишди. Охиргиси чиқаётиб, қизингни опкетамиз, деди. Нозимахон босқинчиларнинг ортидан кўчага югурганида улар қоронғуликка сингиб кетишган эди.

У болалар хонасига қайтди. Хайрият, ҳаммалари шу ерда. Уйқусираб, жовдираб ўтиришибди. Ётоқхонага кирди-ю, Олимжон акасининг қонга беланганича беҳуш ётганини кўрди. Тағин кўчага югуриб, қўшнининг дарвозасини тақиллатди...

* * *

Ярим йилча аввал эса... Мансур Андижон шаҳридаги 3-туғруқхона қаршисида улфатларини учратди. Дилшод «ҳозир», дея такси бекатида «Тико»дан тушиб, телефонда гаплашаётган ёшгина жувоннинг ёнига борди, уни гапга солди.

— Қарзизи мана биз оберамиз, — деди телефондаги гапларини эшитиб. — Қаерда ўзи?

— Боғишамол тарафда.

— Кетдик, юринг!

Дилшод «Тико»нинг олди ўриндиғига, Мансур билан Оятулло аёлни ўртага олиб, орқа ўриндиққа ўтиришди.

Дилшод ҳайдовчига йўл кўрсатиб борди. Такси бутунлай қарама-қарши тарафга, Шаҳрихон йўлига бурилди.

— Қаёққа опкетяпсизлар? — жувон хавотирланди.

— Каналда бир чўмилиб келамиз! Кейин пулизи олгани борамиз.

Жувоннинг дилига қўрқув оралаб, тили калимага келмади. Олтинкўл тумани ҳудудидаги қум сотиладиган жойга, канал бўйига етганларида машинани тўхтатишди. Кун пешиндан оққан, иссиқ, атроф кимсасиз. Каналнинг қирғоғи далага туташ, ҳеч зоғ кўринмайди. Дилшод жувонни тутзорга судради. «Қўйвор, дод дейман!» «Овозингни чиқарсанг, ўлигинг шатта қолади»...

Йўловчи «Запорожец» машинасини тўхтатишди. Шаҳарга қайтишди. Жувонни 3-туғруқхона ҳовлисига етаклаб киришди. Хилват орқа тарафга олиб ўтиб, тағин номусига тегишди.

Гулноза милицияга учради. Уларни танимасди. Қиёфаларини тасвирлаб берди. Мансур Ясинов уч киши бўлиб зўрлаган аёлни эсидан чиқараёзган эди. Шаҳарда ўсиб-улғай-



ган, ичкиликка берилган, икки йил аввал, ўн тўққиз ёшида судланган бўлса-да, тараллабедод юришда давом этаётганди. Ҳеч қаерда ишламас, чўнтаги қуруқ эди. Коллежда ўқийдиган таниши Умиднинг «хўп десангиз иш бор, кечқурун битта пулдор одамнинг уйига кирамиз», деган таклифи мойдай ёқиб тушди. Назарида, кечаси ухлаб ётган бойваччанинг уйига кириб, пулларини шилиб кетишдан осони йўқ эди. Уйғониб, қаршилик кўрсатса, ўзига қийин. Жонидан умиди бўлса, пулларини ўз қўли билан тутқазади.

— Бўпти, соат саккизларда «Гумбаз» маҳалласида катта йўлга чиқиб тураман.

Кечқурун Умиднинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Йўлдамиз, ҳозир етиб борамиз, — деди у.

Ўн беш, йигирма дақиқа ўтиб, битта «Дамас» тўхтади. Машинада Умиддан ташқари илгари бир-икки кўрган, тиббиёт институтининг талабалари — Хуршид ва Жасур ўтирган эди. «Иш»дан оғиз очишмади. «Оқ ёр» қишлоғининг «Толмозор» маҳалласига, канал бўйидаги темир йўл изи ёнига етиб борганларида машинадан тушишди. Умид ҳайдовчига «ҳали телефон қиламан, опкетасиз», деди.

Хуршид кўчанинг охирроғидаги чала битган кимсасиз уйнинг ҳовлисига бошлади. Сўри тагига яшириб қўйган сумкани олди.

— Пайпоқдан ниқоб тайёрлаб қўйганмиз. Пичоқларинг борми?

Хуршид сумкадаги пичоқни Жасурга берди. Умид уйидан олган пичоғини кўрсатди. Мансур ҳам қуролланиб олди.

Соат ўн бўлиб қолган эди. Зовур қирғоғига боришди. Жасур зовурдан ўтиб, ҳовли дарвозаси ёнидаги симёғоч чироғини ўчирди. Девор ошмоққа шайланганларида бехос қўшни ҳовлидан чиққан барваста одамни кўриб зовур ортига яширинишди. Қўшни симёғочнинг чироғини ёндирди. Бироқ уйига киришга шошилмади. Нарироқдаги бошқа ҳовлидан чиққан одам билан сигарет чекиб гаплашиб тураверди. Бир соатча ўтса ҳам гаплари тугамади. Мансурнинг чеккиси келди. Жасурга тўрт юз сўм бериб «дўкончадан сигарет опкелинг», деди. Жасур сигаретга кетганича қайтмади. Тағин ярим соат ўтгач, ҳовли ёнига «Нексия» келиб тўхтади. Уй эгаси Олим ака билан Нозима опа дарвозани очиб ичкарига кириб кетишди.

— Юринглар...

— Шошманг, ухлашсин...

Соат тунги ўн иккиларда Мансур қўшнининг деворидан томга чиқди. Бироқ ҳовлига тушадиган қулайроқ жой топа олмай ортига қайтиб тушди. Умид деворга тирмашиб, томнинг бир четига картон тўсилганини кўриб қолди. Картонни йиртиб учаласи бирин-кетин ҳовлига тушишди. Хуршид сумка билан ҳовлида кўз-қулоқ бўлиб турди. Умид билан Мансур бир нечта хоналарни титкилаб, ҳеч нарса топа олмай чиқишди.

— Ётоқхонасида сақласа керак, — деди Мансур. — Кириб уйқусида босамиз. Ўзи топиб берсин!

* * *

— Жасур индамай қочворди-а? — деди Мансур йўл-йўлакай.

— Ниқобимни сидириб олди, — деди Умид боя «Дамас»дан тушиб қолган жойларига борганларида.

Ҳайдовчи, адаши Умид акага телефон қилди. Йўл четида, қоронғуда пусиб ётишди. Машина келгач, биров қувгандай югуриб чиқиб ўтиришди. Умид ака хавотирланиб, ҳа тинчликми, деб сўради.

— Ўтиришда битта ҳовлиқма билан уришиб қочдик...

— Қўлингдаги пичоқ нимага қон?

— Санчиб олдим...

— Тўғрисини айтинглар, нима бўлди? Мениям бир балога йўлиқтирманглар!

— Битта пулдорнинг уйига бостириб кирдик. Ҳеч нарса топа олмадик. Уйғониб қолганда пичоқлаб қўйдик...

— Ман ўзи судланган, шартли жазоланган одам бўлсам! Энди камига сенларга шерик бўлиб... Бўлди, шатта тушинглар!

Шаҳарга кираверишда машинадан тушиб қолишди. Умид Олим аканинг ётоқхонасида чўнтагига солиб олган қўл телефонини «йўлкира» деб ҳайдовчига тутқазди. Ҳайдовчи Умид Абдуллаев Толмозор маҳалласида содир этилган босқинчилик, қотиллик жиноятини била туриб оғзига талқон солиб юраверди.

Тонгга яқин учаласи Жасур яшайдиган қариндошининг уйи — Андижон шаҳри Шимолий кичик даҳасидаги 40-кўпқаватли турар-жой биносига боришди. Хуршид квартира эшигининг қўнғироғини босди.

— Жасур акам йўқ, — деди жияни.

— Манавини бериб қўй, — дея Хуршид ниқоб ва пичоқ солинган сумкани ичкарига ирғитди. Қайтиб кўчага чиққанида Мансур билан Умиднинг қораси ўчган эди. У Бўз туманига, туғилиб-ўсган уйига жўнади.

* * *

Бир ҳафтадан кейин Мансур Умидга телефон қилди.

— Қариндошникида маросим бор. Кўришайлик.

Умид акасининг машинасида келди. Маросимдан кейин шаҳарда айланиб юришди. Умиднинг битта ўртоғи қўшилди. Кечки пайт теннис корти ёнига боришди. Мансур йўлакда ўтиб бораётган нотаниш йигитдан сигарет сўради.

— Йўқ, — деди йигитча. Шундан кейин йўлтўсарлар унинг камарига қистирилган қўл телефонини олиб қўйишди.

— Қайтариб бер, бўлмаса расво қиламан.

Йигит телефонини ололмагач, шу яқиндаги ҳудуд нозирига учради. Теннис корти ёнидаги ошхонада Мансур Ясиновни қўлга туширишди.

Унинг қиёфаси, бўй-басти «Оқ ёр» қишлоғидаги қотиллик жинояти бўйича қидирилаётганлардан бирига айнан ўхшаш эди. Келаси куни шериклари Хуршид Ортиқов, Жасур Менглиев ва Умид Умаровлар ҳибсга олинди. Тергов жараёнида уларнинг мўмин-қобил ниқоби остидаги шафқатсиз башаралари ошкор бўлди.

Аслида улар кимлар эди? Жасур Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидан бўлиб, Андижондаги тоғасининг уйида яшарди. Тоғасининг хотини абитуриентларни кириш имтиҳонларига тайёрларди. Хуршид билан ўша пайтда танишди. Иккаласи ҳам Андижон Давлат Тиббиёт институтига ўқишга киришди. Хуршид Шимолий кичик даҳадаги уйлардан бирида ижарада тура бошлади. Иккинчи курсга ўтганидан кейин «Оқ ёр» қишлоғи «Толмозор» маҳалласидаги холасининг уйидан ўқишга қатнади. Холасининг қизи шу маҳалладаги Нозима опага шогирд тушиб, чеварлик билан пул ишлаб топарди. Холаваччасининг сўзларига қараганда чевар аёл хонадони бой-бадавлат эди. Хуршиднинг ўзи ҳам бир-икки марта у уйга кириб, бунга ишонч ҳосил қилди-ю, нияти бузилди. Институтда бирга ўқийдиган Жасурга режасини айтди. У ижарада турган қариндошининг уйидан аёллар пайпоғини, ошхона пичоғини олиб чиқди. Кечқурун Нозима опанинг ҳовлисига боришди. Кечаси ҳам очиқ турадиган дарвоза берк эди. Режалари пучга чиқди. Шу маҳалладаги чала қурилган кимсасиз ҳовлига ниқоблар ва пичоқ солинган сумкани яшириб қўйишди.

— Девордан ошиб тушгани яна бир-икки юракли болалар керак, — деди Хуршид.

— Коллежда ўқийдиган Умид деган болани кўргансиз. Ҳеч нарсадан тап тортмайди, — деди Жасур.

Айтганларидай Умид жарақ-жарақ пулларнинг дарагини эшитган заҳоти кўнди. «Дангалчи» оғайниси Мансур Ясиновни ҳам «иш»га таклиф қилди. Босқинчилар тунда бировнинг уйига бостириб кириб, қаршилик кўрсатган хонадон эгасини пичоқлаб, умрига зомин бўлишди. Бундан ташқари, Мансур Ясинов оғайнилари билан бир аёлни зўрлаб номусига теккани учун ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Тўртала босқинчи қотилларнинг айби суд жараёнида тасдиқланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятни била туриб яширган «Дамас» ҳайдовчиси Умид Абдуллаев ҳам қилмишига яраша жазо олди.

**Ҳабибулло УМАРОВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси терговчиси**

# ТЕНГДОШЛАР ФОЖЕАСИ

**Хатирчи туман Улуғбек қўрғонида яшовчи Феруз Юлдошев Навоий шаҳрига ишга келди. Ёш, чаққон йигитча эмасми, тез орада ишга ҳам кириб олди. У «Тонг-2001» хусусий фирмасига қарашли «Навоий» чойхонасига гўшт маҳсулотлари тайёрловчи бўлиб ишга қабул қилинганди. Аммо ишга кирганидан сўнг уч кун ўтган ҳам эдики, Феруз фожеали бир ҳодисанинг сабабчисига айланди. У қалтис жиноятга қўл урди...**

11 сентябрь куни Феруз юмушлари кўпайиб кетиб, чойхонада ишловчи шериги, тенгдош дўсти Асқардан ишини барвақтроқ тугатса унга ёрдам беришини илтимос қилди. Аммо Асқар «ишдан сўнг Азиз ошпазга қарашишим керак», дея жавоб берди. Шундай бўлса-да, Феруз кейинроқ бўлса ҳам ёрдамлашиб юборишини сўради. Асқар бу сафар ҳам рад этди. Шу орада тенгдошларнинг оддий гап-сўзлари жанжал тусини олиб бўлганди. Ферузнинг ҳақоратли гапи эса Асқарнинг баттар жаҳлини чиқариб юборди.

— Нима дединг? Сенга иложим йўқ деб айтдим-ку! — деди Асқар. Кейин у Ферузнинг кўкрагидан туртиб, бошига мушт туширди. Орада жанжал чиққанини кўрган ошхонада ишловчи бошқа ишчилар уларни ажратиб қўймоқчи бўлишди. Бироқ...



Асқар жисмоний жиҳатдан бақувватроқ бўлганидан Ферузга бир-икки мушт туширишга улгурганди. Жаҳли чиққан Феруз рақибига кучи етмаслигини билгач, қўлидаги пичоқни ишга солди. У Асқарнинг кўкрагига пичоқ урди.

Воқеа шу қадар тез содир бўлганидан атрофдагилар уларни ажратиб қўйишга ҳам улгурмай қолишди.

Феруз қўлидаги пичоқни ташлаб, ташқарига чиқиб кетди. Асқар кўксини чангаллаганича чойхона ҳовлисига чиқиб, зинапоя ёнига йиқилди. Воқеа устига чойхона иш юритувчиси Бахтиёр Жумаев келиб қолди-ю, дарҳол машинасида Асқарни касалхонага олиб кетди. Лекин ҳушини йўқотган Асқар кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан вафот этди.

Жаҳлини жиловлай олмагани оқибатида ақлини йўқотган Феруз Юлдошев ўз қилмишига яраша жазосини олди. Суд унга 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

**Хушнур МАҚСУДОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси**



## КАСТРО ИСТЕЪФОДА

Сиёсатчиларнинг фикрича, Куба раҳбари Фидель Кастронинг истеъфога чиқиши жаҳон сиёсий майдонида ўз акс-садосини бериши муқаррар. Маълумки, сешанба куни Фидель Кастро Куба халқига мурожаат этиб, ўз истеъфоси тўғрисида баёнот берди. «Мен энди соғлиғим ёмонлашгани сабабли тўлиқ куч билан ишлай олмайман», деди биринчи рақамли революционер. 2006 йилда Кастро ошқозонини операция қилдирганидан сўнг, давлат бошқарувини вақтинчалик ўз укаси Рауль Кастрога топширганди.

Фидель Кастро 1959 йилдаги революция натижасида Куба ҳокимияти тепасига келган. 49 йил мамлакатни бошқарган Кастро биринчи рақамли революционер сифатида жаҳонга танилган. Шу давр ичида АҚШ ўнлаб маротаба Куба раҳбарини йўқ қилишга ҳаракат қилган, бироқ барча суиқасдлар самарасиз якунланган. Бу ҳақда Фидельнинг ўзи бир неча бор баёнот ҳам берган.

## Яхши қуриш керак

Бразилия ҳукуматининг қарорига мувофиқ, эндиликда мамлакатда қурилиши режалаштирилган барча объектлар тақдири изчил текширувлар ва кучли назорат комиссияси хулосасига кўра ҳал этилади. Яъни, агарда мутахассислар сал бўлсада шубҳа билдиришса, қурилиши режалаштирилган объектнинг барпо этилиши тўхтатилади. Гап шундаки, сўнгги вақт ичида Бразилияда бир қатор қурилаётган ёки энди қурилиши битказилган объектларда ҳалокатлар рўй берган.



Гап шундаки, ўтган куни мамлакатнинг Санта-Катарина штатида қурилаётган кўприк қулаб тушган. Натижада уч ишчи оғир жароҳатлар билан шифохонага ётқизилган. Полициячиларнинг айтишича, улар кўприк тагида ишлаб юрган вақтда, унинг асоси бўлмиш металл конструкциялар бўшаб, ишчилар устига қулаган. Бу галги ҳалокат ҳукумат учун сўнгги томчи бўлди.



## Бир фоиз ҳал қилмайди

Арманистонда президентлик сайловлари ниҳоясига етди. Дастлабки маълумотларга кўра, сайловларда мамлакат бош вазири, ҳокимият тепасидаги Республикачилар партияси раиси Серж Саркисян 52,8 фоиз овоз билан етакчилик қилмоқда. Арманистон собиқ президенти Левон Тер-Петросян 21,5 фоиз овоз билан иккинчи ўринда ҳамда мамлакат парламенти собиқ спикери, «Оринац еркир» партияси етакчиси Артур Багдасарян 16,7 фоиз овоз тўплаб, учинчи ўринни эгаллаб турибди. Парламент вице-спикери, «Дашнакцутюн» партияси бюроси аъзоси Ваан Ованнисян эса сайловчиларнинг 6,18 фоиз овозини йиға олган, холос. Арманистон марказий сайлов комиссияси вакилининг айтишича, тез орада қолган бюллетенлар ҳам ҳисобланиб, ғолиб расман эълон қилинади. Аммо кузатувчиларнинг фикрича, қолган бюллетенларни ҳисоблашдан наф йўқ. Чунки дастлабки маълумотлар эълон қилингунга қадар 99 фоиз овозлар ҳисоблаб бўлингани боис, бир фоиз ҳеч қандай ўзгаришга сабаб бўла олмайди.

## Зудлик билан прокуратурага

Афғонистон Бош прокуратураси, мамлакат олий қўмондонлик ставкаси Бош штаби бошлиғи генерал Абдурашид Дўстумни ҳамда Афғонистон парламентининг бир неча депутатларини, агарда улар Дўстумнинг Шимолий альянс бўйича собиқ сафдоши Акбарбой аризаси юзасидан сўроқ жараёнига келмаса ҳибсга олишга мажбур бўлишини билдирди. Республика Бош прокуратураси Акбарбойнинг унга етказилган жароҳатлар бўйича ёзган аризасини текшириш мақсадида, шунингдек, мазкур ҳолат бўйича Афғонистон ички ишлар вазирлигининг маълумотномаси асосида махсус комиссияни ташкил этиб, Дўстумни, парламентнинг икки нафар депутатини ҳамда сиёсий партия раҳбарини кўрсатма бериш учун тезда прокуратурага келишларини талаб қилмоқда.

Афғонистон полицияси мамлакат ички ишлар вазири Зарар Аҳмад Моқбулнинг буйруғига кўра, собиқ дала қўмондони Абдурашид Дўстум уйини ишғол этди. Прокуратура вакилининг айтишича, генерал Дўстум 50 нафар тарафдори билан Акбарбой уйига бостириб кириб, уни ҳамда ўғлини гаровга олган. Сўнгра уларни Дўстумнинг уйига олиб бориб, у ерда роса дўппослашган.

## Автомобилдан сақланинг

АҚШнинг Миннесота штатида даҳшатли фожеа рўй берди. Сешанба куни штатнинг жанубий-ғарбида жойлашган Коттонвуд шаҳрида 40 нафар мактаб болалари бўлган автобус катта тезликда келаётган автомашинага урилиб кетган. Аксига уларнинг ортидан келаётган яна бир нечта автомашиналар ҳам, иложини тополмай бирин-кетин тўқнашиб кетишди. Автоҳалокат натижасида уч киши ҳалок бўлди. Уларнинг бири мактаб ўқувчисидир. Жароҳатланган 10 дан зиёд киши яқин орадаги шифохонага жойлаштирилди. Ҳозирда маҳаллий полиция айбдорни аниқлаш борасида суриштирув ишларини олиб бормоқда. Уларнинг фикрича, автобуснинг қаршисидан келаётган автомашина ҳайдовчиси бошқарувни эплай олмаган ва бунинг натижасида автобусга келиб урилган. Статистик маълумотларга қараганда, йилига бир миллиондан ортиқ киши алкоголли маҳсулотларни ичиб, рулга ўтириши натижасида бошқарувни назорат қила олмай авариялар рўй беришига сабабчи бўлмоқда. Шунингдек, кузатувчиларнинг фикрича, ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда тиббий назоратни янада кучайтириш лозим. Чунки турли руҳий хасталикларга чалинганлар ҳам бугунги кунда бемалол ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши мумкин. Қолаверса, бундай тоифадаги одамлар автомашинани бошқариб кетаётганда касалликлари қўзғаб қолиши оқибатида рўй берган автоҳалокатлар ҳам кам эмас. Ачинарлиси, юқорида кўрсатилган сабабларга кўра рўй берган автоҳалокатлар натижасида аксарият ҳолларда автомашина ҳайдовчилари эмас, балки тинчгина кетаётган йўловчи ёки барча қонун-қоидаларга риоя қилиб қарама-қарши йўналишдаги автотранспортда келаётган киши қурбон бўлади.





## Ноқонуний «сайёҳлар» тақдири

Голландия полицияси четдан ноқонуний равишда Нидерландияга одамларни олиб кириш билан шуғулланишда гумон қилинган гуруҳни ҳибсга олди. Полиция тахминига кўра, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари одамларни асосан Ироқдан Сурия, Туркия ва Греция орқали олиб келишган. Ушбу иш юзасидан ҳозирча саккиз киши ушланган. Полициячилар одамларни транспортировка қилишнинг схемасини тақдим этишди. Унга кўра, Нидерландияга келмоқчи бўлган ироқликларни даставвал катта ҳақ эвазига юк машиналарида Сурия ҳамда Туркия жанубига олиб келишган. Сўнгра улар Грецияга келтирилганлар. Бу ерда уларга қалбаки ҳужжатлар тўғриланган. Грециядан эса ноқонуний «сайёҳлар» самолётда тўғридан-тўғри Нидерландияга ёки Германия ҳамда Бельгия орқали учадиган рейсларда мамлакатга киритилганлар. Айрим ҳолларда Голландия ўртадаги транзит давлат сифатида бўлган ҳамда ноқонуний «сайёҳлар» бу ердан янада шимолроққа, Буюкбритания ёки Скандинавияга олиб кетилган. Полицияда бугунги кунгача нечта одам ноқонуний равишда Нидерландияга киритилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Ҳуқуқ-тартибот органлари улардан айримларини қидириб топишга муваффақ бўлди. Ҳозирда адлия вазирлиги ходимлари уларни қандай ҳужжатлар асосида Голландияга киритилганликларини текширишаяпти.

## Босқинчи «Робин Гуд»

Испания миллий полицияси «Робин Гуд» лақабли банк босқинчисини ҳибсга олди. 60 ёшли М.Е.Франциско босқинчилик натижасида қўлга киритилган пулларнинг бир қисмини камбағалларга тарқатишни одат қилиб олгани сабабли унга «Робин Гуд» деб лақаб қўйишган экан. У пойтахт Мадрид яқинидаги Алькорн шаҳри банкига навбатдаги босқинчилик жиноятини содир этганда ушланган. «Робин Гуд»нинг ёнидан ўқ-отар қурол чиққан. Полиция ахборотига қараганда, бу унинг йил бошидан амалга оширган тўртинчи жинояти экан. Биринчисини навбатдаги жазо муддатини ўтаб, озодликка чиқиши билан 2008 йил 10 январь куни содир этган. Ўшанда у пойтахтдаги «Вальекас» банкидан 9 минг 790 евро ўғирлаганди. Жиноятчининг ҳар доимги хатосиз нишонга урадиган услуби бу сафар панд берди. Гап шундаки, «Робин Гуд» босқинчиликдан бир кун олдин банкка келиб, бошқарувчи билан йирик молиявий битим тузиш бўйича учрашув белгилаб кетади. Эртасига ҳеч нарсадан бехабар банк ходимлари муҳим мижозни илиқ кутиб олиб, бошқарувчининг хонасига кузатиб қўйишади. Жиноятчи айнан бошқарувчи хонасида унга қурол билан ҳамла қилиб, пулларини тортиб олади-да, жуфтакни ростлайди. Полициячилар йил бошидан «Робин Гуд» томонидан содир этилган барча банк босқинчиликларни таҳлил қилиб, унинг одатини тушуниб қолишди ва айнан бошқарувчи хонасида унга пистирма қўйишади.



Жиноят устида ушланган «Робин Гуд» 11 маротаба жиноят кодексининг аксарият моддалари билан судланган, уччига чиққан рецидивистдир. Икки ой озодликда юрган вақтнинг ўзида банк босқинчилигидан ташқари, хонадонга ўғирликка тушиб, уй эгасини ярадор қилишга ҳам улгурган. Жиноятчилар орасида у «профессор» лақаби остида ҳам танилган. Чунки ҳар гал қамалгач, Франциско ёш маҳкумларга полициядан қандай қочиб қутилиш ва ҳибсга олинганда тергов ҳаракатларини қандай чалкаштириш бўйича «сабоқ» берар экан.




## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЧИГА ЗАРАР

Сешанба куни, Миланнинг икки аэропорти Малпенса ва Линатеда, мазкур аэропортларга хизмат кўрсатувчи «SEA» компанияси ходимларининг норозилик намойиши туфайли 140 та авиарейс бекор қилинди. Норозилик намойиши ўтказилишига «Alitalia» компаниясининг соғломлаштиришга қаратилган режа доирасида аэропортларда рейсларни амалга оширишнинг кескин қисқартирилиши сабаб бўлди. Чунки бу ҳол хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ўринлари қисқартирилишига олиб келиши муқаррар.

Намойишлар натижасида Малпенса аэропортида 102 та, Линатеда эса 44 рейс бекор қилинган. Ҳозирда француз-голланд «Air France-KLM» компанияси «Alitalia» компанияси раҳбарияти билан унинг давлат акциялари пакетини сотиб олиш бўйича музокаралар олиб бормоқда. «Air France-KLM» томонидан таклиф этилган, «Alitalia» компаниясининг соғломлаштиришга қаратилган режасига кўра, Милан аэропортларидан деярли фойдаланилмайди. Компаниянинг барча рейслари Римнинг Фьюминчино аэропортидан амалга оширилади.

## Танқис таом ёки зарурат

Таиландда БМТ ташаббуси билан ташкил этилган халқаро анжуман ўз ишини бошлади. Анжуман кун тартибидаги асосий масала — ҳашаротларни овқат сифатида истеъмол қилиб, очарчиликни енгиш йўллари бўлиб, БМТнинг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилоти мутахассисларининг фикрича, ҳашаротлар оқсил ҳамда витаминларга бой манба ҳисобланадилар. Ушбу ташкилот томонидан ўтказилган изланишлар натижасига кўра, балиқ ёки гўшт маҳсулотларида қанча оқсил бўлса, қўнғиз, чигиртка ва капалакларда ҳам шунча оқсил бўлиши мумкин экан. Личинкалар эса ўзида жуда муҳим витамин ва минералларни мужассамлаштирганлар. Шундай қилиб, уларнинг фикрича, ҳашаротлар кўплаб давлатларда юз берган озиқ-овқат инқирозида ёрдам бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Таъкидлаш жоизки, дунёда ҳашаротларнинг истеъмолга яроқли 1 минг 400 хили мавжуд. Ҳозирги кунда, Шимолий ҳамда Жанубий Американинг 23 та, Осиёнинг 29 та ва Африканинг 36 та давлатида ҳашаротлар озиқ сифатида истеъмол қилинади. Айрим давлатларда ҳосил унмаган йилда очликдан ўлиб қолмаслик учун ҳашаротларни ейишса, бошқаларида эса ҳашаротлар тансиқ таом сифатида дастурхонга тортилади.

Анжуманда иштирок этаётган мутахассислар ҳашаротларни озиқ-овқат сифатида етиштириш, ишлаб чиқариш ва транспортировка қилиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

**«Риа Новости» ахборот агентлиги маълумотлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокурори Баҳриддин Валиевга волидаи муҳтарамаси

**ИНОЯТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси Нозим Абдурашидовга онаси

**МУНАВВАР ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

